



Тилинг Аллоҳнинг зикри билан намланишдан тўхтамасин», - дедилар

Абдуллоҳ ибн Буср разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Бир киши: «Ё Расууллоҳ Ислом аҳкомлари менга кўпайиб кетди. Менга шундай бир нарса ҳақида хабар берингки мен уни маҳкам ушлаб олай», - деди. Шунда Расууллоҳ: «Тилинг Аллоҳнинг зикри билан намланишдан тўхтамасин», - дедилар.

[Тўғри матн] [Тирмизий, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти]

Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга нафл иболатлар кўпайиб кетганидан уни бажаришдан ожиз қолгани ҳақида хабар берди. Сўнгра маҳкам ушлашлик учун Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кўп савоб олиб келадиган енгил ишга далолат қилиб қўйишиларини сўради. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга ҳар вақт ва ҳар ҳолатда – тасбех, таҳмид, истиғфор, дуо ва шу кабилар билан – Аллоҳ таоло зикрида доимий бўлиб, тили доимо шу нарсалар билан нам ва ҳаракатда туришини тавсия қилдилар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/4716>

